

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК  
БОШҚАРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

**X.X. Гойипов**  
*Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация:** Мазкур татқиқот ишида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш натижасида амалга оширилиётган ислоҳотлар бир қатор ижобий натижаларга эришилдди. Бу энг аввало кўп тармоқли иқтисодиёт ва мулқдорлар синфи шакллантирилганлиги, хусусий тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнесни ривожланиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий муҳит яратилганлигига ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, кичик бизнес, молиявий таҳлил, саноат, корхона, инвестиция, таннарх

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш муаммоси ҳозирги кунда ўта долзарб масалалардан биридир. Бу, ўз навбатида, режали иқтисодиёт шароитида шаклланган барча иқтисодий дастакларнинг мазмун жиҳатидан янгиланишини тақозо этади. Булар қаторига иқтисодий таҳлил ҳам киради. Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ҳозирги шароитда фаолият юритаётган барча фирма ва корхоналар хўжалик фаолиятини уларни бошқарувчиларга яққол кўрсатиб бериш, камчиликларни очиб ташлаш, ички имкониятларни ишга солувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Бу жараёнда таҳлил қилинаётган объектнинг молиявий барқарорлиги, унинг рақобатбардошлиги, молиявий ва иқтисодий салоҳитидан қандай фойдаланаётганлигига ҳам объектив баҳо берилади.

Ҳозирги шароитда хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили жаҳон тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда икки турга бўлиниши кўзда тутилган. Биринчиси молиявий таҳлил, иккинчиси эса бошқарув таҳлилидир. Бироқ хорижий компанияларда молиявий таҳлил бир хил усулларда амалга оширилмайди. Фикримизча, бу таҳлилда бир хил методологик асос бўлиши лозим, чунки ҳар бир корхона, мулк шаклидан қатъи назар давлат, жамият манфаати нуқтаи назаридан ҳам ўрганилиши табиий.

Зеро, жамиятдаги ҳар бир иқтисодий жараён, моддий бойлик шу жамиятники, чунки корхонанинг ўзи шу жамиятда, шу давлат худудида жойлашган, унинг эгаси эса шу давлат фуқароси. Давлат ўз фуқароларининг хуқуқларини ҳимоя қиласи, уларнинг мулклари дахлсизлигини таъминлайди. Шу туфайли таҳлил ҳам фуқаролар, корхоналар ва давлат манфаатлари муштараклигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Ҳозирги кунда корхона ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиш арафасида бўлиб, бозор иқтисодиёти талабларида олдинга


# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

ҳаракатланмоқда. Технологик жараёнларнинг экология ва саноат хавфсизлигига мувофиқлиги, ижтимоий масалаларнинг муваффақиятли ечими корхонага ўз вазифасини бажариш имконини беради. Доимий ўсиш, мустаҳкам ривожланиш ва атроф-муҳитга нисбатан масъулиятли ёндашув жамиятга катта фойда келтиради, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирувчи ислохотларни амалга оширишга ёрдам беради.

«Навоийазот» АЖ ривожланиш стратегияси умудавлат инвестицион сиёсати асосида ишлаб чиқилган. «Навоийазот» АЖда чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаган ҳолда, унинг таннархини пасайтириб, ички ва ташқи бозорда корхонада мустаҳкам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш мақсадида узоқ истиқболга мўлжалланган ва технологияларни модернизация қилиш ҳамда корхона ишлаб чиқаришини янги иш қуроллари билан таъминлашга йўналтирилан инвестицион лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда.

Лекин сўнгги йилларда корхона томонидан ишлаб чиқариш суръатлари бирмунча пасайғанлиги кўзга ташланмоқда. Бунга сабаб қилиб, бир томондан, корхонанинг кўп йиллар давомида эксплуатация қилиниб келинаётганлигини олсак, бошқа томондан эса жаҳонда ҳали ҳам давом этаётган молиявий-иқтисодий инқизорзни мисол қилиб олиш мумкин. Бу омиллар корхонанинг ўз фаолиятини тўлақонли амалга оширишига тўсиқ бўлиб турганлиги бир қанча таҳлилларда намоён бўлади.

«Навоийазот» АЖнинг охирги беш йилликдаги корхона учун асосий ҳисобланган қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон, металлургия, энергетика саноатларига етказиб берилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда ишлаб чиқариш кувватларидан фойланиш тенденцияларига назар ташласак, мазкур йилларда қўйидагича натижаларга гувоҳ бўлишимиз мумкин: (3.10-расм).



**1-расм. Асосий махсулотларнинг ишлаб чиқарилиш тенденцияси<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> «Навоийазот» АЖ маълумотлари асосида тузилган

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

Бу натижалардан кўриниб турибди-ки, йиллар мобайнида корхона томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, барча маҳсулотлар кесимида бирмунча камайиб бориш тенденцияга эга эканлиги ҳамда ташқи бозор ва ички бозорда ҳам ижобий ўрин тутган нитрон сунъий толаси маҳсулотининг эса умуман ишлаб чиқарилмай қолганлигини кузатиш мумкин

Бунинг сабаблари, бир томондан, ишлаб чиқариш цехларининг ускуна ва қурилмалари ўз даврларини ўтаб, маънан эскириб қолганлиги натижасида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар таннархи ошиб борганлиги, шунга кўра, бу маҳсулотларга талабнинг камайиб кетганлиги десак, бошқа бир томондан эса глобаллашув даврида дунё ҳамжамиятида рўй берадиган геосиёсий, молиявий-иктисодий, технологик ўзгаришлардир.

Шунга кўра, «Навоийазот» АЖ сўнгги йилларда юкорида айтиб ўтилган муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини излаш, корхонага инвестиция киритиб, янги технологияларни жорий этиш ҳамда бунинг натижасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, маҳсулотлар таннархини тушириш йўлидан кетмоқда. Жумладан, корхонада аммиак ва карбамид, азот кислотаси, поливинилхlorид, каустик содаси, метанол сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш комплекси, яъни жами 1 миллиард 700 минг АҚШ долларилик янги инвестицион лойиҳаларнинг қурилиши бошлаб юборилган ва 2021 йилга қадар уларнинг ишга туширилиши кўзда тутилган.

## **1-жадвал**

### **Ички бозорда сотилган маҳсулотлар ҳажми<sup>2</sup>**

<b>Маҳсулот номи</b>	<b>ўл. бир</b>	<b>2013 й.</b>	<b>2014 й.</b>	<b>2017 й.</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>
Циан тузлари (эритма 20-30 %)	т	23 569	23 805	26 890	26 837	27 906
Полиакриломид	т	1 068	1 105	1 140	1 018	1 037
Метанол	т	3 867	2 495	2 498	2 291	2 454
Хлорид аммония	т	1 362	2 580	1 881	1 758	1 370
Нитрон толаси	т	3 468	2 104	1 848	1 142	1 375
Акрил эмульсияси	т	155	71	54	20	13
АФЎ	т	77 107	37 592	64 134	60 249	56 068
Сульфат аммония	т	8 927	13 502	9 679	16 183	14 190
Аммиакли	т	599 090	546 887	523 073	602 647	919 976

<sup>2</sup> «Навоийазот» АЖ маълумотлари асосида тузилган

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

Маҳсулот номи	ўл. бир	2013 й.	2014 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
селитра						

Янги инвестицион лойиҳалар ишга туширилгунга қадар ички ва ташки бозорда ўз маҳсулотлари билан қандай қилиб туриб қолиш сингари масалалар корхонанинг олдида долзарб бўлиб қолмоқда.

Республика ички бозорида асосий маҳсулотларнинг сотилиши охирги 5 беш йилликда қўйидагида кўриниш олган бўлиб, корхонанинг асосий истемолчилари «Қишлоқ хўжалик кимё» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АК таркибидаги корхоналар, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖ, республикамиздаги қўп сонли ип, газлама ва гилам ишлаб чиқариш фабрикалари, буёқ ва лак ишлаб чиқариш заводлари, мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқотлар миллий корхоналар ва товарларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишларига доир қўйидаги асосий жиҳатлар бўйича илмий-услубий ва амалий хулосаларга келинди:

1. Тадбиркорликда рақобатбардошлигини бошқариш учун муҳим бўлган ишбилармонлик муҳитини шакллантириш эса бошқариладиган жараёндир. Лекин бошқариш усуллари маъмурий ёки директив кўринишида бўлиши мумкин эмас. Уларнинг асосий тадбиркорлик фаолияти субектларига таъсир қиласиган чоралардан эмас, балки шундай субъектларнинг таркиб топиши йўлида қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим ўрин тутиши ҳамда ишбилармонлик муҳитига ўзаро мувофиқ ва мутаносиб тарзда шаклланган ҳамда уйғунлиқда амал қилувчи таркибий қисмларнинг мажмуи сифатида қараш мақсадга мувофиқлиги аниқланди;

2. Мамлакатимиз учун тадбиркорликни моделлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг сабаби мамлакатимизда менежментнинг назарий ва амалий ривожланишида катта муваффақиятларга эришмаганлиги билан боғлиқ. Монополликка асосланган маъмурий бошқарув тизимида узоқ йиллар давомида менежментга паст муносабатда бўлган психология ва мотивация принципларига асосланган. Бундан ташқари, саноат ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш бўйича мутахассисларни малакасини ошириш зарурлиги асосланди;

3. Тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги бошқаришда тадбиркорлик менежментининг роли, унинг ташкилий тузилмаси ва ваколатлар тақсимотидаги роли ҳамда методик жиҳатдан тадбиркорликни бошқаришни моделлаштиришга зарурат асосланди;

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

1. Худоёров О.О. (2023). банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламли банк технологиларини жорий қилиш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
2. Худоёров О.О., Эргашев А.Ж. "тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илғор хориж тажрибаси" vol. 2 no. 23 (2023): o'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>
3. Бабаева Г. Я., Султанова Д. А., Салиева С. А. Цифровой банкинг как одна из составляющих экономической безопасности //Бухгалтерский учет, анализ и аудит: современное состояние и перспективы развития. – 2020. – С. 17-20.
4. Umarov, Z. (2018). OBJECTIVES OF THE PROVISION OF FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS. International Finance and Accounting, 2018(2), 133.
5. Худоёров О.О. (2023) Тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илғор хориж тажрибаси. Vol. 2 No. 23 (2023): O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMUY TADQIQOTLAR JURNALI. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>
6. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma / O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.
7. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o'quv qo'llanma) T.:TMI. 2003 y. 166 b.
8. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759
9. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
10. Кличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАФБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
11. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
12. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

13. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 205 b.
14. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
15. Косимович, Я. У. (2024). Таşқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199–205.
16. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic\_Press*, 2(0002).
17. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛЬТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
18. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
19. Қличев, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
20. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарии ҳажми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
21. Tulaev, M. (2024). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. *Nordic\_Press*, 2(0002).
22. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. *Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'naliishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
23. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқарии ҳажми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>